

СИЗ ҲАЁТ ЧАРОҒИСИЗ, АЗИЗ МУАЛЛИМЛАР!

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqq
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 1-oktabr, seshanba
№ 76 (15714)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!
Қадрли дўстлар!

Ҳар қайси одамнинг ҳаётда соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишида ота-онаси билан бирга муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини синдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инобатга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, авваламбор жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этган, десам, ўйламанки, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун дунёдаги тараққий топган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқаро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лўнда қилиб айтганда, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган мақсадга эришиш каби ўта оғир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлигимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аён дидир.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни қуриш, иқтисодий-ётимизни биз учун янги аснода — бозор муносабатлари негизда ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартираётган кенг кўламли ислохотларни жорий қилиш, муҳтасар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамияти тан олаётганини ғурур ва ифтихор билан таъкидлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз қўлга киритган, барчанинг ҳавасини тортидиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга замин бўлган омил ва мезонлар хусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Лекин, шулар қаторида авваламбор биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳал қилувчи ўрин тутганини алоҳида қайд этиш зарур.

(Давоми 2-бетда)



1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

ТАЪЗИМ СИЗГА, МЕҲРИДАРЁ УСТОЗЛАР!

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

Ватанимиз келажаги, тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан ёш авлоднинг қай даражада камол топишига боғлиқ. Бу масъулиятли вазифани адо этишда ўқитувчилар, устоз ва мураббийларнинг хизмати беқиёс.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва

рағбатлантириш устувор ўрин тутади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган ва бир неча йилдан буён кенг нишонланаётган 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

... 30 сентябрь куни мамлакатимиз таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар мамлакатимизнинг бош майдони-

даги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган «Маърифат маркази» мажмуи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан таниш-

ди. Шу куни «Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Байрам тадбирига сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, таълим соҳаси фахрийлари, илғор ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари таклиф этилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

(Давоми,
боши 1-бетда)

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янги фикрлайдиган, ўзлигини, кадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз ҳақиқатан ҳам бизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шарт бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан: биз билим ва тарбия бериб вояга етказётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ғайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатингиз учун сиз, азизларга — ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум.

Бундай кескин рақобат айниқса илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққиёт соҳасида яққол намоён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалаётган фикрни инobatга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда инсон капитални, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривожини учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқшини башорат қилаётгани бежиз эмас, албатта.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни холисона баҳолаб эканмиз, таълим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислохотларни мантиқий якунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчилиққа йўл қўймаслик за-

рурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Авваламбор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва лицей-коллежларни давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устахоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлмиш олий ўқув юртарининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юксак малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айна шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни, икки босқичли аттестация тизимидан воз кечиб, иқтисодий ривожланган давлатларда қабул қилинган стандарт-

ларга мос равишда, тўғридан-тўғри фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтганимиз ва бу йўналишда туб ўзгаришлар амалга оширилаётгани олий таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз аввало институт ва университетларимиздаги ўқув жараёнларини, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илғор олий ўқув юрталари даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган домлаларни нафақат моддий ва молиявий нуқтаи назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътиборини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро узвий боғланиб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимини — бу умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими бўладими, олий таълим соҳаси бўладими — буларнинг барчасини ягона бир гоё, умумий бир мақсад бирлаштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

У ҳам бўлса, жондан азиз

фарзандларимизни жаҳон илм-фани чўққиларини забт этган, чуқур билим ва ўз мустақил фикрига эга бўлган етук инсон ва мутахассислар этиб тарбиялаш, барча куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этишдир, десак, олдимизда турган буюк вазифанинг маъно-мазмунини ифода этган бўламиз.

Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юрталарида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажиги, ҳаёт-мамонтини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўрамиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз равнақи ва тараққиёти йўлида қўшаётган юксак ҳиссангиз учун, ёш авлодни вояга етказиш, ҳаётга йўлланма бериш йўлидаги беқиёс хизматингиз, беғараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқимиз номидан яна ва яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат ва файзу барака, ишларингизга янги омадлар тилашга руҳсат бергайсиз.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

(Давоми,
боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Истиклолнинг дастлабки кунларидан таълим тизимини тубдан ислох этишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури, Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури мустақил ва соғлом фикрли авлодни вояга етказиш, юксак малакали мутахассис-



лар тайёрлашда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал реконструкция қилиниб, тубдан таъмирланди ва ўнлаб янги мактаблар қурилди. Айна пайтда мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, педагог хо-

ТАЪЗИМ СИЗГА, МЕҲРИДАРЁ УСТОЗЛАР!

димларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини давр руҳига мос тарзда йўлга қўйиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш, самарали меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, меҳнатини моддий ва маънавий

қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 410654 нафар ўқитувчи фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Педагоглар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ғамхўрлик туфайли ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 3465 нафар устоз ва мураббий Ватанимизнинг юксак унвонларига, ор-

ден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги янада қувончлидир.

Президентимизнинг 2013 йил 27 сентябрдаги фармонида мувофиқ бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Мактабларга ёш мутахассис кадрларни кенг жалб қилиш, уларнинг илмий-ижодий салоҳия-

тидан унумли фойдаланиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Жумладан, жорий йилда 7065 нафар ёш мутахассис янги ўқув йилида умумтаълим мактабларида иш бошлади.

Педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга оид амалга оширилаётган изчил чоратадбирлар натижасида ўқитувчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи 2006 йил 1 сентябрга нисбатан 9 баробар оширилиб, 2013 йил 1 сентябрь ҳолатига уларнинг ўртача маоши 867276 сўмни ташкил этди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хорижий тилларни ўрганиш бўйича ёш, истеъдодли педагоглар сафини янада кенгайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда)



A'lyo ABDULLAYEV (ЎЗА) олган суратлар

ТАЪЗИМ СИЗГА, МЕҲРИДАРЁ УСТОЗЛАР!

(Давоми,
боши 1-, 2-бетларда)

Ушбу ҳужжат замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта билладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит ва имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларининг инглиз, немис, француз тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, билим ва малакасини юксалтириш бўйича кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, 2013-2014 ўқув йилида чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж таҳлил этилиб, амалдаги ўқитувчиларнинг педагогик юктамаларини 1,5 ставкагача ошириш, бошқа чет тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга келиши ҳисобидан қоплаш чоралари кўрилди.

Давлатимиз раҳбарининг 12 номдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкасида иборат совғаси таркибида инглиз тилидан «Kid's english», немис тилидан «Deutsch macht spab», француз тилидан «Hirondelle» дарслик мажмуалари яратилиб, бу йил 1-синфга борган 528972 нафар ўқувчига тўхфа этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида таълим-тарбия жараёни устидан жамоатчилик назорати тобора оширилиб, барча умумтаълим мактабларида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу маърифий-маънавий ишлар сифатини доимий таҳлил этиб бориш, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора кучайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили анъанавий

тарзда ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови илғор, ташаббускор, фаол, фидойи педагогларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги ғолибларига диплом ва совринлар топширилди.

— Президентимизнинг биз, ўқитувчиларга кўрсатаётган улкан меҳр ва эътиборидан кўнглимиз тоғдек ўсиб, қалбимиз чексиз фаҳрга тўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Турғун Азларов. — Жаҳон аҳлининг ҳавасини тортаётган бундай кенг имтиёз ва имкониятлар, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор юртимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга, билдирилган юксак ишончни ҳалол меҳнатимиз билан оқлашга, унга муносиб бўлишга даъват этади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анора Маҳмудова, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Соғуний» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаттар Эшмухамедова таълим фидойилари меҳнатини ардоқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

«INFOCOM – 2013» ҲАФТАЛИГИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Тошкентда анъанавий «InfoCOM – 2013» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги якунланди

Ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда «СИБ GROUP» компанияси томонидан ташкил этилди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва янада ривожлантириш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури қабул қилиниши мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат қилаётди.

2004 йилдан буён сентябрь ойининг охирида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «InfoCOM» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги соҳада муваффақиятли амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасидир. Ҳафталик ахборот техно-

логиялари мутахассислари ҳамда фойдаланувчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳафталик доирасида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит ўтказилди, UZ — 2013 миллий домени интернет-фестивалининг якунлари сарҳисоб қилинди, ёшлар ўртасида «MIT.uz» — миллий интернет танлови ғолибларини тақдирлаш маросими, «ICTExpo — 2013» ахборот технологиялари халқаро кўргазмаси, Ўзбекистонда интернет-провайднинг ва миллий контентни ривожлантириш масалалари бўйича давра суҳбати, «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнларини қонуний тартибга солиш масалалари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигининг сўнгги кунда ёшлар ўртасида дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича «Best Soft Challenge» танлови ғолибларини тақдирланди. Олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, академик лицей ва касб-хунаро коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган ушбу танлов 2013 йил 12 июнда эълон қилинган эди. Танлов Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси томонидан Тошкент ахборот технологиялари университети, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва «Samsung Electronics» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Энг яхши компьютер иловалари», «Смартфон ва смартфон телевизорлар учун энг яхши иловалар», «Энг яхши миллий компьютер ёки мобил ўйинлари», «Миллий компьютер ўйинларининг энг яхши концепцияси ва сценарийси» номинациялари ғолиблари диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Шунингдек, е-спорт бўйича «Uzbekistan Cyber Games — 2013» Ўзбекистон чемпиони ғолиблари ҳам тақдирланди. 17 июлда бошланган мазкур чемпионатнинг ҳудудий саралаш турнирлари август-сентябрь ойларида Бухоро, Урганч, Самарқанд, Қарши, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида ўтказилди. Чемпионатнинг финал босқичи Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида 27 сентябрда бўлиб ўтди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалардан ташқари, е-спорт бўйича «World Cyber Games — 2013» жаҳон биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ниҳоясига етган «InfoCOM — 2013» ҳафталиги нафақат ахборот-коммуникация технологиялари бозорини таҳлил қилиш ва бу борадаги сўнгги ютуқлар билан танишиш, балки янги амалий алоқаларни йўлга қўйиш имконини берди ва мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири



ШАХМАТ МАЛИКАЛАРИ МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Халқаро шахмат федерацияси, мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган хотин-қизлар ўртасидаги ФИДЕ Гран-присининг учинчи босқич баҳслари ниҳоясига етди.

Хотин-қизлар ўртасидаги олти халқаро турнирдан иборат ФИДЕ Гран-приси жаҳон шахмат тожи учун курашиш имконини берадиган мусобақадир. 2013-2014 йилларда ўтказиладиган ушбу турнирда умумий ҳисобда 18 нафар шахматчи иштирок этади. Ҳар бир босқичда 12 нафардан шахматчи ўйнайди. Шу тариқа уларнинг ҳар бири Гран-при сериясидаги тўрттадан турнирда қатнашади. Якунда энг кўп балл жамғарган шахмат устаси 2015 йилда амалдаги жаҳон чемпиони билан шахмат тожи учун ўн партиядан иборат учрашув ўтказиш имконига эга бўлади.

Гран-при босқичларига Женева, Дилижан, Тошкент, Ханти-Мансийск, Тбилиси ва Эрденет шаҳарлари мезбонлик қилади.

Пойтахтимизда ўтган нуфузли турнирда ўн икки нафар кучли шахматчи — Осиё чемпионати ва Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, жаҳон шахмат олимпиадаси, жаҳон ва Европа чемпионати совриндори грузиялик Бела Хотенашвили, қизлар ўртасида кўп карра жаҳон чемпиони ҳиндистонлик Хампи Конеру, Осиё чемпионати кумуш медали совриндори ва Хитой чемпиони Цзю Веньцзюнь, жамоавий жаҳон чемпионати, Европа чемпионати ғолибаси, тезкор шахмат — блиц бўйича жаҳон чемпиони украиналик Катерина Лагно, жаҳон ва Европа чемпиони болгариялик Антоанета Стефанова, 20 ёшгача қизлар ўртасида жаҳон чемпиони ҳиндистон-

лик Харика Дроновалли, жаҳон ва Европа чемпиони, жаҳон шахмат олимпиадаси икки карра ғолибаси россиялик Александр Костенюк, Европа чемпионати совриндори ва олти карра Арманистон чемпиони Элина Даниэлян, 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони россиялик Ольга Гиря, 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасида жаҳон чемпиони хитойлик Чжао Сюэ, халқаро турнирлар ғолибаси қозғистонлик Гулисхон Накбоева иштирок этди.

Мусобақа қондасига кўра, ФИДЕ Гран-приси босқичида шахматчилар бир даврли тизимда жами 11 партия ўйин ўтказди. Нафиса Мўминова қозғистонлик Гулисхон Накбоева ва хитойлик Цзю Веньцзюньни мағлубиятга учратди. Арманистонлик Элина Даниэлян ва украиналик Катерина Лагно билан дуранг ўйнади.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ўтган тақдирлаш маросимида 8 очко билан биринчи ўринни эгаллаган Хампи Конеруга олтин медаль топширилди. Кумуш медаль Бела Хотенашвили, бронза медаль Катерина Лагнога насиб этди.

ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқичи 2014 йилнинг 2-16 май кунлари Россиянинг Ханти-Мансийск шаҳрида бўлиб ўтади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

1 ОКТАБР — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Shogirdlar ehtiromi

Дилларга инаётган нур

— Келганларингда ўқитувчиларингни зиёрат қилишни канда қилманглр, — деган эди ёш авлодга қирқ йил инглиз тилидан сабоқ берган устозимиз Сувонқул Нормуродов. — Улар сиздан ҳеч нарса умидвор бўлмайди, фақат кўришиб, суҳбатини олиб кетсаларинг бўлди. Улар учун катта мукофот шу.

Ҳар гал мактабда дарс берган муаллимларимизниқига бориб, дуосини олиб қайтиш анъанамизга айланиб қолган. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ибодулла Боймуродов, жонкуяр муаллим Сувонқул Нормуродов, халқ таълими аълочиси Сайфиддин Ниёзов, узоқ йиллар ёш авлодга тарих ва география фанларидан сабоқ берган Темир Эрнзаров, бошланғич таълим ўқитувчиси Сожида Омонова, математика ўқитувчиси Авғон Чоршанбаев... Уларнинг бари биз, собиқ ўқувчилари — доимий шогирдларини ўз фарзандидай қучоқ очиб олади. Ютуқларимиздан суонади, хатоларимиздан қуонади, насихатларини аямайди.

Жуда кўп гурунгни одамларни учратганмиз, сўзни териб-териб қўлайдиган кишиларнинг суҳбатига бўлганмиз. Лекин ҳаётда устоз ўқитувчиларнинг суҳбатидан кўра мазмунлироқ, ёқимлироқ, фойдалироқ суҳбатлар камдан-кам бўлса керак. Баъзан гап-гаштакларда, тўймаъракаларда бировга гап бермайдиган, унча-мунча давранинг гулига айланиб, ҳаммани оғзига қаратиб қўядиган сўзамоллар ҳам муаллимлар даврасига тушиб қолса, ўйлаб гапиришига гувоҳ бўлганмиз.

Ибодулла устознинг уйда кечган навбатдаги дийдорлашув ҳам ҳар доимгидек эсда қоларли бўлди. Агар кимнидир, жуда билимдон бўлиб кетдим, ҳамма нарсага ақлим етаяпти, деган беъмаънироқ ўй безовта қила бошлаган бўлса, ўзига сабоқ берган устозларини зиёрат қилсин экан. Кўпни кўрган ўқитувчилари олдида одам ҳақиқатан ўзининг хануз ўқувчи эканига иқрор бўлар экан.

Суҳбатимиз бугунги тинч-омон кунларимиз, юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар, меҳр-оқибат каби мавзуларда бошланиб, қишлоқ тарихи, одамлари, ёшлар ҳақида давом этди. Ва, табиийки, гурунги ўзани мактаб, таълим мавзусига бурилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида мамлакатимизда қарийб ўн мингта мактаб қайта қурилди, реконструкция қилинди, замонавий талаблар асосида таъмирланди. Улар орасида қишлоғимиз мактаби ҳам бор. Бугун унда таълим олаётган ёш ўқувчиларим севимли мактабимизнинг қайта бунёд этилиб, янгича қиёфага эга бўлганидан шунчаки севиниб кўйишар, фахрланишар. Бирок дараза рафи ердан бор-йўғи ўттиз-қирқ сантиметр юқориқроқ, новчароқ одам оғзинга сапчиса қўли томига тегадиган, кўринишидан ўртача оила яшайдиган хонадондан ортиқлиги бўлмаган қадрдон даргоҳнинг мустақиллик йилларида тамомам ўзгача кўрк ва салобат касб этгани қишлоқдошларни икки ҳисса қувонтирди. Бугун юртимизнинг ҳар бир қишлоқ, маҳалласидаги энг чиройли иморат — мактаб. Энг файзли ҳовли — мактаб ҳовлиси.

Янгилаштирилган, таълимга берилётган юксак эътибордан энг кўп мамнун бўлаётганлар ўқитувчилар, десак, муболага бўлмайди. Суҳбат асосида ҳар бир устозимнинг гап оҳангида ана шу таъкид борлигини пайқайман.

Бугун юртимизда таълимга нечоғли катта аҳамият қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўқитувчи шахси, феноменига бўлган муносабат ҳам ундан кам эмас. Биргина 1 октябр санасининг мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини сифатида умумхалқ байрами деб эълон қилиниши, нишонлаб келинаётгани бу фидойи касб эгаларининг меҳнати янада қадр толгани, шахсига бўлган юксак эътибордан дарак беради.

Устозлик — бу ҳаммага насиб этавермайдиган шараф, юксак мақом. Қайси соҳада бўлмасин, ўз ишининг устаси даражасига етиб, ўзидан кейинги авлод вақилларига таърибасини баҳам кўрадиган, очикўз ва очикўнгли инсонларгина шундай шарафга муяссар бўлади. Қаерда, қандай мавқеда бўлмасин, улуг инсонлар ҳам ҳаммиша устозларининг хурматини жойига қўяди. Бу ҳақда сўз борганда, Навоий бобомизнинг бир ҳарф ўргатган инсоннинг ҳақини минг ганж билан ҳам адо этиб бўлмайди, деган ҳикматли гапи ёдга тушади.

Қадри банд устозлар! Ҳамиша соғ-саломат бўлинг! Зиёли қалбингиз шогирдлар онгу шуурига илм нуруни сочишдан тўхтамасин.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» муҳбири



24 йил оз фурсат эмас. Йиллар давомида ўқувчиларга биология ва кимёдан дарс бериб келаётган Феруза Мансурова «Шухрат» медали билан тақдирланди.



Ферузанин ва меҳрибон устоз

Билимда ҳам, спортда ҳам нешқадам

Юртимизда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилаётган юксак эътибор мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида улкан ижобий самара бермоқда. Чунончи, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги 8-мактаб мазкур эътиборга уйғун тарзда фаолият кўрсатаяпти.

Ушбу мактабда етмиш етти нафар ўқитувчи бир минг икки юз нафардан зиёд ўқувчига янги, замонавий педагогик технологиялар асосида дарс бераётди. Барча ўқув хоналари илгор таълим стандартларига мувофиқ жиҳозланган. Ўқув ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида мактабда «Устоз-шо-

наларига маъқул келяпти. Биз сўз юритаётган 8-мактабда чет тилини ўқитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, биринчи синф ўқувчилари учун иккита ўқув хонаси ташкил этилиб, ўн тўрт номдаги зарур жиҳозлар билан таъминланди. Айни пайтда олти нафар малакали инглиз тили ўқитувчиси ўқувчиларга чет тилидан дарс бермоқда.

Мактабда ўқувчиларни таълим жараёнига қизиқтириш борасида амалга оширилаётган кўшимча тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борда ўттиз саккизта фан ва спорт тўғраги ташкил этилган. Қола-

ларнинг фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаса-да, теъд эл назарига тушди. Ташкилотчилиги, тиришқоқлиги билан мактаб жамоаларининг хурмат-эътиборини қозонди. Ўқув-тарбиявий ишлар сифатини тубдан яхшилашга эътибор қаратди. Ана шундай фазилатлари туфайли мана, саккиз йилдирки, мактаб жамоасига бош-қош, директорнинг озода ҳовлиси, хушбўй атиргуллар ифорида кўнглимиз кўтарилди.

Салима Шайдуллаева, Музаффар Мамадалиев, Қобил Холхўжаев, Гулбахор Ҳамроева, Комил Матқаримов шулар жумласидан. Устознинг ўзи ҳам тинмай изланади. 2010 — 2012 ўқув йиллари давомида биология ўқитувчиларининг туман ҳамда вилоят семинарларида фаол иштироки ва «Биология дарсларида лаборатория машғулотларини ўтказиш», «Биология дарсларида АКТдан фойдаланиш» мавзуларидаги илмий ишлари муносиб баҳоланди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Муаллимнинг ютуқлари бисёр.

Мардон ЭСОНБОВ,
Наманган вилояти.
Ноҳира Мамадалиева олган сурат

Fa'lim maskanlarida

верса, спорт зали ва майдончалар ҳам ўқувчилар билан доим гавжум. Мактабда ўқувчи-қизларнинг «Сайхун маликалари» футбол жамоаси ташкил этилган. Гулсанам Каримбоева мураббийлигидаги ушбу қизлар футбол жамоаси ўтган йили вилоят миқёсида ўтказилган беллашувда биринчи ўринни олди. Бу йил «Сайхун маликалари»нинг олти нафар аъзоси Бекободнинг «Металлург» аёл-қизлар жамоасига қабул қилинди.

Ўтган ўқув йилида мактабни бир юз қирқ саккиз нафар ўқувчи тамомлади. Улар академик лицей ва касб-хунар коллежларида тахсилни давом эттириб, мактабда олган билимларини мустақамлаш баробарида, касб-хунар ўрганишмоқда.

Содиқ ТўРАЕВ

Мактаб гулзори

Оққўрғон туманидаги 50-мактабга қадам кўяра экансиз, ўзингизни гулзорга киргандек ҳис этасиз. Чиндан ҳам шундай. Зеро, бу мактабнинг ўзгача таровати, эзгулиги ва фидойилик ишқини билан яшаётган пок ниятли ходимлари бор.

Ёш ва изланувчан педагог Гулзода Шербоева фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаса-да, теъд эл назарига тушди. Ташкилотчилиги, тиришқоқлиги билан мактаб жамоаларининг хурмат-эътиборини қозонди. Ўқув-тарбиявий ишлар сифатини тубдан яхшилашга эътибор қаратди. Ана шундай фазилатлари туфайли мана, саккиз йилдирки, мактаб жамоасига бош-қош, директорнинг озода ҳовлиси, хушбўй атиргуллар ифорида кўнглимиз кўтарилди.

Тайинланган, мактабдаги ишлар олға силжиди. 2005 йилда мактаб биноси қайта реконструкциядан чиқарилиб, ўзига хос замонавий кўриниш, фусункорлик касб этди. Ҳозирда икки юз йилли мазкур ўқув биносида юз нафардан зиёд ўқувчиларга ўндан ортиқ малакали, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчилар сабоқ берапти. Мактабнинг муҳташам спорт зали, майдончалари, гимнастика зали бор. Унга яқин фан ва спорт тўғрақлари мунтазам ишлаб турибди. Ўқув машғу-

лотларининг кабинет тизимида олиб борилаётгани диққатга sazovor.

Муҳаббат Шербоева, Лобар Абдусатторов, Нишоний Иброҳимова, Зулхумор Давлатова, Озода Абдураимова сингари илгор ўқитувчиларнинг янги педагогик технология асосида ўзига хос изланишлар олиб бораётгани ибратта лойиҳ. Бунинг натижасида мактаб ўқувчилари фан олимпиадалари ва билимларини беллашувда юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Мактабда инглиз тилини ўрганишга алоҳида иштиёқ билан киришилди. Соҳага оид махсус хоналар ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Айниқса, бошланғич синфлар учун мўлжалланган ўқув хоналари дид билан жиҳоз-

БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

Шинамгина синфхона. Истарали ўқитувчимиз кириб келиши билан синфни бошимизга кўтариб: «Ассалому алайкум!» деймиз қўлимиз беҳтиёр кўксимизга югуриб. «Сал пастроқ», дея ишора қилади устоз қўли билан. У киши ҳар гал «пастроқ овозда саломлашинглр», деб танбеҳ берса-да, бола кўнглимиз овозлар қўшилиб жаранглашига қизиқиб, йўқ-йўқ, тўғрироғи, устозга хурмат-эҳтиромизни гўё шу йўл билан яхшироқ ифодаламоқчи бўлиб овозимизни янада бандлаватерамиз.

Устоз биз, ўйинқорлик, диққати тўзғиб ётган болаларга сабр-тоқат билан «Алифбо» сабоқларини ўргатади. Бола тасаввуримизни мўъжизалар дунёсига етаклаб кетади. Сирли алифбодан гўё дунё бошланади. Қора доска, оқ бўр... Ҳарфларни ҳарфларга ҳижжалаб қўшиб, жажжи қўлчаларда ёзувлар пайдо қиламиз — биз учун мўъжиза...

Қизиқ, негадир ҳар гал Ўқитувчи ва мураббийлар кунда биринчи ўқитувчим ва шууримга муҳрланиб қолган ўша ҳолатларни бот-бот эслайман...

Биринчи ўқитувчим Чиннигул Ҳафизова, аслида, ўзимнинг бовим, яъни дадамнинг онаси. Синфда аълочи ўқувчи эдим, аммо шўх бўлганим учун ўқитувчимдан кўп танбеҳ олардим, даки эшитардим, бу эса менга алам қиларди: «Бувим бўлатуриб нега мени ҳаммамнинг олдида койийди?» деб у кишидан хафа бўлардим ўшанда. Бугун эса энг кўп миннатдор бўладиган инсоним — ҳам бувижоним, ҳам ўқитувчим — Чиннигул Ҳафизова бўлади.

Бухородаги 52-ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактабда 8-, 9-синфларда ўқиб юрган кезларимда устозим Феруза Бебтуова мени инглиз тилига қизиқтирган. У кишининг кўмаги билан 2012 йилда «Беғубор болалик» номли илк китобимни нашр эттирдим. Ҳозир мен тахсил олаётган Бухоро давлат университети қошидаги З-Қорақўл академик лицейида тарих фанидан Эркин Жумаев, она тили ва адабиётдан Дилфуза Ҳўжаева, рус тилидан Феруза Ҳўжаева, инглиз тилидан Манзура Рустамова каби ўқитувчиларим ота-онамиздек меҳрибон, жонкуяр.

2013 йилда таълим йўналишида Зулфия номдаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлдим. Эришаётган муваффақиятларим замирида устозларимнинг меҳнати мужассам. Устозлар орзу-мақсадлар чўққисини забт этишимизда бамисоли қанот вазифасини ўтаркан.

Барча-барча устозларимга «Байрамингиз билан табриклайман!» дейман. Бу сўзлар олдидан сўзлар эмас, менда илмига меҳр, ҳайрат, ҳарорат уйғота олган меҳрибон устозларимдан қарздорлик, бурчдорлик, кез, эҳтиром ифодаси бу.

Нафосат ЖўРАБЕКОВА,
Зулфия номдаги Давлат мукофоти совриндори



ланган. Ўқувчиларнинг пухта билим эгаллаши учун барча шароитлар мавжуд.

— Ўқитувчи-мураббий доимо изланишда, ҳаракатда бўлиши зарур, шундагина ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олади, — дейди Гулзода Шербоева. — Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни, устозларни касб байрамлари билан чин дилдан табриклайман.

Дарвоқе, таъкидланганидек, мактаб ҳовлиси ажойиб гулзорга айлантирилган. Анвойи гуллари кўриб бахри дилингиз очилади. Зеро, пок ниятли устозлар ўз ўқувчилари қалбидан ҳам эзгулик, яхшилик гулзорини барпо этишга астойдил киришган.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» муҳбири

Янги замон ёшлари



Кимдир сифатли ва пишиқ ғишт ишлаб чиқариб, харидоргир маҳсулотини сотиб даромад қилаётган бўлса, уни тadbirkor, деймиз. Tadbirkorнинг ишлаб чиқарган маҳсулотидан кимдир иморатлар, кўркам бинолар қураётган бўлса-чи? Уни бунёдкор, деймиз? Юртимизда маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиб бораётганлигини турли шохобчалар жойлашган кўркам бинолардаги қулайликлардан ҳам билса бўлади.

Tadbirkorлик, бунёдкорлик, қулайлик... Бу хайрли амал, эзгу тушунчалар бир-бирига йўл очади, бир-бирига замин яратади. Бу сўзларга фаровонлик, тараққиёт деган сўзлар улашиб кетаверади. Юртимизнинг барча ғўшасида ана шундай мўъжиза яратилаётганига гувоҳ бўласиз. Агар йўл қурилиши, транспорт хизматига назар солсангиз, бунда ҳам бир мўъжиза кўргандай бўласиз. Қувонарли томони, бу ишларда ёшлар фаол, ёшлар ташаббускор. Улар асосий ишни бошқараяпти.

Жиззах вилоятининг Фаллаорол тумани «Гулистон» ҚФЙ ҳудудида «Politron- Nerud» МЧЖ фаолият кўрсатади. Унинг раҳбари 29 ёшли Акмалжон Насриддиновдир. Корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг номи — чақиқ

тош ва ювилган кум. Шағал хомашёсининг манбаи — Сангзор дарёси. Бу маҳсулот уй-жой, автомобиль ва темир йўл қурилишлари учун ишлатилади. Корхона 2010 йили ишга тушганда, соатига ўттиз тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга эди. Вилоятда 2013 йили саноатни ривожлантириш ва янги ишчи ўринларини яратиш дастурига биноан банкнинг беш юз миллион сўм кредити эвазига корхонада янги технология ишга тушгач, соатига олтмиш тонна маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлди. Натижада яна ўн та кўшимча ишчи ўрни яратилди.

— Жами ўттиз нафар ишчимиз бор, — дейди корхона раҳбари Акмалжон Насриддинов. — Уларнинг барчаси ўттиз беш ёшгача бўлган ёшлардир. Бу йил ҳам мутахассис-кадрлар

сонини кўпайтирдик. Масалан, ишга чанқоқ ёш ходимлардан Миршоҳид Мелибоев ЎзМУнинг геология факультетини тамомлаган. Қолаверса, Ботир Абдуллаев, Бахтиёр Шералиев ҳам олий маълумотли мутахассислардан. Бу ёшлар билан келажакда кўп ишларни режалаштириб қўйганмиз. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни қайта ишлаш асосида темир-бетон маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятимиз бор.

Акмални тadbirkor, ишбилармон, дедик. Бахмал туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Фурқат Абдувалиевни эса чинакам бунёдкор, десак, хато қилмаймиз. Унинг «Камолот» ёшидалигини ҳисобга олсак, у ҳам юртимиздаги ёш, фидойи, ташаббускор кадрлар сирасига киради. У ушбу бошқарма буюртмаси асосида ишлаган қурилиш фирмаларининг ишини бошдан-охир назорат қилиб турди.

— Туманимиздаги «Оқтош» ҚФЙ ҳудудига олиб борадиган бир километр, Мирзаёсак қишлоғига боровчи 750 метр йўлни капитал реконструкция қилдик, — дейди Фурқат. — Бунда, албатта, «Универсал», «Эргаш сафар бехатар» номли қурилиш корхоналарининг меҳнати чексиз бўлди, албатта. Бу қулайликдан аҳоли жуда мамнун. Бундан кейин ҳам йўллارни равон қилишдек савобли ишдан ҳеч қачон чарчамаймиз. Қолаверса, туманда 74 та қабристон бор. Уларда ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Дарвоқе, гапимиз йўл ҳақида кетаяпти. Йўлларимиз учун маҳсулот ишлаб чиқараётган ёш тadbirkor, йўлларни қураётган ёш бунёдкор ҳақида гапирганда, ўз-ўзидан мавзу транспорт хизматига улашиб кетаркан. Йўл дейилганда ҳар қандай одамнинг ҳам кўз олдига транспорт пайдо бўлади-да. Шундаймасми?

Бугун Жиззах вилоятига келган ёки унинг ҳудудидан ўтаётган одам йўллардаги ўзгаришларни кўриб, албатта, ҳайратланади. Айниқса, М-39 трассасининг Фаллаорол туманидан ўтувчи анча қисми қайтадан қурилди. Зўриқмасдан, эмин-эркин юриб бораётган

автомобилларнинг ҳаракатидан ҳайдовчиларнинг ҳам мамнунлигини сезгандай бўласиз.

Жиззах шаҳрида йўловчи ташиш хизмати яхши йўлга қўйилди. Кейинги уч-тўрт ой ичида эски русумдаги техникалардан воз кечилиб, янги транспортлар хизмат кўрсатаяпти. «Отабексупертранс» масъулияти чекланган жамияти йўловчи ташиш хизматини яхши йўлга қўйган корхоналардан. Бугун Жиззах шаҳрига борган одам ана шу корхонага қарашли янги «Исузу» русумли автобуслар хизматидан баҳраманд бўлади. Бу корхонага Шерзод Одилжонов раҳбарлик қилади. Бу корхона 2010 йилдан буён фаолият кўрсатади. Шерзод ўшанда ўттиз ёшда эди. Ҳозирги вақтгача бу корхона «Дамас» русумли автомашиналар қатнови билан фаолият кўрсатиб келаётган эди. Эндиликда шаҳарда турли йўналиш-

Тўйчи Файзуллаев, Ҳамдам Раҳмонов, Ёрқин Норматов, Улуғбек Шукуров намунали ҳайдовчиларимиздан. Уларнинг кўпчилиги ёшлар. Шунингдек, коллежлардаги транспорт йўналишида таҳсил олаётган ўқувчилар ҳам амалиёт ўташ учун корхонамизга келишади. Яхши ўзлаштирган битирувчиларни ишга оламиз. Келажакда туманларга ҳам қатновни йўлга қўймоқчимиз.

Корхонада иш қизғин. Ҳамшира Дилором Умарова ҳайдовчиларнинг соғлигини текширса, механик Шермуҳаммад Пардаев автобусларнинг соз-носозлигини назорат қилади. Автобусларда шаҳар айлансангиз, дам олгандай бўласиз. Автобус ичидаги ўзига хос тартиб, тозаозодлик, ҳайдовчининг яхши муомаласидан дилинғиз яйрайди. Транспортдаги бадбўй ҳид, бақир-чақир, асаббозарлик... Эҳ-ҳе... Шукрки, буларнинг



ларда хизмат кўрсатаётган 75 та автобус «Отабексупертранс» МЧЖга қарашлидир.

— Банк кредити ҳисобига яна йигирмата автобус келтирилади. Бунинг учун яна «Асакабанк»дан 1 миллиард 400 миллион сўм кредит ажратил-япти, — дейди Шерзод Одилжонов. — Ҳозирда 150 нафар ишчимиз бор. Ҳошим Рашидов,

бари ўтмишда қолиб кетди.

Янги замон ёшлари... Бири тadbirkor, бири бунёдкор. Бири эса элга қулай хизмат кўрсатаётган фидойи ва ташаббускор. Йўлда кетаётган ана шулар ҳақида ўйласангиз, кўнглин-гиз янада равшан тортади...

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Фойдали ўқувлар, муносиб рағбатлар

Бухоро вилоятида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари етакчилари учун уч кунлик ўқув семинари ҳамда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Семинарда меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилотларнинг мақсад ва вазибаларини амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибалар асосида баҳс-мунозаралар ташкил этилиб, БТларнинг янги низоми билан ишлаш тартиби,

фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар ташкилоти ва қўйи бўғинларининг ўрни, ёшларга оид давлат сиёсати, ижтимоий соҳадаги ислохотлар, уларни амалга оширишда «Камолот» ЁИХнинг ўрни, Ҳарабатнинг низоми ва Ўзбе-

кистонда ННТлар фаолиятига оид қонунчилик мавзуларида тренинглари ўтказилди. Шунингдек, БТ етакчилари учун бошланғич ташкилотлар ҳисобот-сайлов йиғилишини тўғри ташкил этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби каби тренинглари интер-фаол тарзда олиб борилди. «Табийий етакчиларни танлаш: муаммо ва ечимлар» мавзуидаги баҳс-мунозара ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

Семинар сўнгида бошланғич ташкилотлар етакчилари ўртасида

якуний тест ўтказилди. Натижалар ёмон бўлмади, кимдир хурсанд, кимдир билими биров панд бериб қўйганидан хижолатда, яна кимдир эса... Қувонарлиси, БТ етакчилари орасида ўз ишига бепарволар учрамади.

Қизғин баҳслар, билим ва салоҳиятга асосланган мунозаралар, ўзини намоиш эта олиш учун кечган курашлардан сўнг ўн нафар бошланғич ташкилот етакчиси рағбатлантирилди. Унга кўра, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танло-

вининг вилоят босқичида Фиждудон тумани санитария-эпидемиология назорати маркази бошланғич ташкилоти етакчиси Собир Раҳмонов биринчи ўринни, Ромитан тумани «Баркамол авлод» ўқувчилар марказидан Шахло Илниязова иккинчи ўринни, «Вобкенттумангаз» идораси бошланғич ташкилоти етакчиси Аббос Файбуллаев учинчи ўринни эгаллади. Элдор Назаров («Бухоронефтогаз-пармалаш» ОАЖ), Дилбар Шарипова (Бухоро вилояти онкология дис-

пансери), Саодат Ҳасанова (вилоят реабилитация маркази), Наргиза Раҳматова (Когон шаҳар темир йўл шифохонаси), Юлдуз Насриддинова (Ромитан тумани тиббиёт бишлашмаси), Зухро Насриддинова (Пешку тумани давлат солиқ инспекцияси), Музаффар Эргашев (ҳарбий қисм) каби фаол бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳам турли номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

«Kelajak ovozi — 2013»

Келажакнинг янги овозлари

Кўқон шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Келажак ovozi» кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб иштирокчилар танловнинг веб-ишланмалар ва шаҳарсозлик йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган ёшларнинг тақдимот ишлари билан танишдилар. Бу йил 7800 нафарга яқин фарғоналик ёшлар мазкур танловнинг саралаш босқичларида қатнашди. Шундан қирқ нафари танловнинг республика босқичига борадиган бўлди.

— Архитектурага оид чизмаларим ҳакамлар ҳайъатига маъқул бўлди, — дейди танловнинг шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни йўналиши ғолиби Хумоюн Азимов. — Бугун мустақил Ватанимиз бағрида қад ростлаётган гўзал ва бетакрор бинолар, кундан кунга чирой очаётган шаҳарларимиз қиёфаси менга янада илҳом берапти. Мақсадим Ўзбекистонда бунёдкорлик салоҳиятининг юксалишига муносиб ҳисса қўшишдир.

— Болалигимдан журналистикага меҳр қўйганман, — дейди яна бир иқтидор соҳибаси, танловнинг публицистика йўналиши ғолиби Муҳаббат Шералиева. — Келажакда ўз қалами ва овозига эга бўлган малакали журналист бўлмоқчиман.

Тақдирлаш маросимининг тантанали қисми яқунлангач, ғолиблар учун шаҳардаги 5-болалар мусика ва санъат мактабида концерт дастури намойиш этилди.

Дилнавоз Қўлдошева,
«Камолот» ЕИХ Фарғона
вилояти кенгаши матбуот
хизмати етакчи мутахассиси



Ustoz-shogirdlik anʼanasi

Тажриба йиллар давомида ошади

Олтиариқ иқтисодиёт коллежи 2009 йилда фаолият бошлаган тумандаги энг ёш таълим муассасаларидан бири. Айти кунда мазкур таълим масканида 1 минг 646 нафар ёш тўрт йўналишда таълим олади.

Уларга касб ва ҳунар сирларини ўргатаётган саксон нафардан ортиқ ўқитувчиларнинг олтимиш фоиздан зиёди ёшлардан иборат. Коллежнинг ёш педагогик жамоасида ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ўстириш, педагогик тажрибаларини ошириш мақсадида устоз-шогирдлик аънанаси самарали давом эттирилмоқда. Салимжон Иброҳимов, Зоҳиджон Шоматов, Махлиё Охунчаева ва Нодира Мирзаева каби устозлар ёш ўқитувчилар билан ўз педагогик тажрибаларини ўртоқлашишяпти. Ўз ўрнида ёшлар ҳам таълимга илғор педагогик

технологияларни жорий этиш, янги усуллардан кенг фойдаланиш борасида бошқаларга намуна кўрсатишяпти. Жумладан, Диёра Мирзаҳақимова, Ёркиной Мирзажалилова ва Мираббос Аббосов каби интилувчан, ғайратли ёшларнинг ишлари эътирофга лойиқ.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.

СУРАТДА: Физика фани ўқитувчиси, тажрибали педагог Салимжон Иброҳимов ёш ўқитувчилар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқда.

Устозга ҳавас қилиб...

Бугун ҳар биримизга ёзишни, ўқишни ўргатган илк устозимизни яна бир бор эсга оламиз. Зеро, устоз отангдай улғу, деган ҳикматли ибора бежиз айтилмаган.

Биринчи устозим Баҳринисо опа Одидовани сира ёдимдан чиқармайман. Устозимга бўлган меҳрим, ҳавасим чексиз. Шу туфайли мен ҳам ўқитувчилик касбини танлаганман. Илк фаолиятимни бошланғич синфдан бошладим. Иш фаолиятимда бошланғич таълим методикасини мустаҳкамлаб, устозларим ўғитига амал қилдим. Шу шу, мактаб иккинчи уйимга, ҳаётим мазмунига айланди.

Бугунги ўқувчиларни оддий гап-сўзлар билан ишонтириб бўлмайди. Шу боис ҳар бир синфда ўқувчининг ўзлаштириш модели ишлаб чиқиш,

дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада кўплаб очиқ дарслар ўтказилиб, янги тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Ва бу тавсиялар ёш мутахассис, ўқитувчиларга қўлланма сифатида тарқатилди.

Тезкор тараққиёт ҳар бир ўқитувчидан изланувчан, ижодкор бўлишни талаб этади. Мен ҳам дарс жараёнига ўзгариш ва янгиликлар олиб кириш мақсадида бир қатор электрон дарсликлар ишлаб чиқдим. Албатта, иш жараёнида таълимнинг турли усулларидан, янги педагогик технология ва интерфаол усуллардан

фойдаланаётганимиз таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Фаолиятим давомида бир нечта илмий мақолаларим чоп этилди. Жумладан, «Таълим тизимида янги технологияларнинг қўлланилиши», «Бошланғич синф ўқувчиларининг мусика дарсларида миллий ва маънавий қадриятларни юксалтиришнинг педагогик асослари», «Узлуксиз таълим тизимида бошланғич синф ўқитувчиларининг янги авлодини тайёрлаш муаммолари» мавзуидаги илмий мақолаларим билан республика миқёсидаги илмий анжуман ва конференцияларда қатнашдим.

Айти кунда ўзим ўқиган ва ишлаган мактаб директори вазифасида меҳнат қилаяпман. Жамоамиз аҳил ва меҳнатсевар ҳамкасблардан иборат. Уларнинг ишончи менга куч-ғайрат бағишлайди. Шунингдек, таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида тайёрлаётган турли услубий қўлланмалар яратилишида ўз тавсияларим билан қатнашиб келяпман.

Албатта, олиб бораётган тажрибаларимиз мактабимизда ҳам кенг қўлланилмоқда. Бошланғич синфлар учун ташкил этилган янги ўқув тоналари ҳамда уларнинг инглиз тилини ўрганиши учун яратилган қулайликлар бунинг амалий исботидир. Асосий мақсадимиз таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириб, чуқур билим ва иқтидорга эга ёшларни камолга етказишдир.

Азиз ҳамкасблар, қадри устозлар, байрамингиз қутлуғ бўлсин. Шогирдлар камолини, бахту иқболини кўриш барчангизга насиб этсин!

Раъно ДЕЙКАНОВА,
Ангрен шаҳридаги
28-мактаб директори

Menga soʻz bering



Чаққон бегемот

Хитойнинг Гуандун провинциясидаги Шантоу шаҳрида кучли ёмғир ҳамда «Усаги» тўфони сабабли ҳайвонот боғидан бир қанча ҳайвонлар чиқиб кетди.

Қочган жониворлар ичида бегемот ҳам бор эди. Маъмурият сўзларига қараганда, бегемотнинг оёқлари узунлиги бор-йўғи йигирма сантиметр. У саксон сантиметрли тўсиқдан ўтишига ёғаётган ёмғир сабаб бўлган. Жала қафасдаги сувнинг баландлигини икки метрга кўтарди. Жониворни қўриқчилар қайтариш учун ҳатто унга умри давомида берилмаган тансиқ егуликларни тутишди. Бегемот эса қафасдан кутулганига «хурсанд бўлиб», сузиб шаҳарга чиқиб кетди. Қош қорайганда қочган жониворлардан бегемот билан бирга тюлен ва икки тошбақа ҳайвонот боғи яқинидаги дарёдан топилди.

Сифат биринчи ўринда

Япониянинг «Honda» автоконцерни ўзининг 405 минг дона автомобилини талабга жавоб бермагани учун қайтариб олди.

Аниқроғи, концерннинг «Acura» ва «Odyssey» моделларида ҳаракатланиш вақтида хавфсизлик ёстиқчаларининг очилиб кетиши кўп кузатилган. Бунга, асосан, сўнгги пайтларда Канада, Австралия ва Европа мамлакатларидан кетма-кет шикоятлар тушгани сабаб бўлди. Бундан олдин Япониянинг «Toyota» моделларидаги педаллар билан боғлиқ муаммолар сабаб бир неча минг автомобиль Европадан қайтган эди. Бу воқеалар натижасида япон автомобилларига бўлган талаб сезиларли камайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, 1946 йилда асос солинган «Honda» корпорацияси 1960 йилга қадар мотоцикл ишлаб чиқарган. Ҳозирда бу компаниянинг ўттиз уч мамлакатда юздан ортиқ заводлари бор.

Сирлигича қолади

Франция ва Италия ҳудудида жойлашган Монблан тоғи чўққисига чиққан альпинист бир қабрга дуч келди.

Шу вақтгача инсон қадами етмаган жой деб ҳисобланган тоғ чўққисидagi қабрда қимматбаҳо тошлар ҳам бор эди. Ўз исмини ошкор этишни хоҳламаган альпинист қимматбаҳо буюмларнинг барчасини полицияга топширди. 250 минг еврога тенг бу бойлик ҳиндистонликларга тегишли эканлиги аниқланди.

Монблан чўққилари куюқ булутлар билан қопланганлиги сабаб гоҳида бу ерда самолётлар бедарак йўқолади. Баланд тоғ чўққисидa қабрнинг топилиши эса барчани ҳайратлантирди.

Қурилишдаги хато кечирилмайди

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги беш қаватли уй номаълум сабабларга кўра қулаб тушди.

Полиция вайрон бўлган уйда олтимиш киши бўлганини тахмин қилди. Ҳозирча йигирма нафар одам қутқарилиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳиндистон ҳукумати ҳалок бўлганлар ҳақида маълумот бермади. Жорий йилда учинчи уй қулаши сабаб аҳоли орасида норозилик кучаймоқда. Жорий йилнинг ўзида Ҳиндистонда юзга яқин киши вайронагарчилик туфайли ҳалок бўлган. Мутахассислар фикрига кўра, мамлакатда қурувчилик соҳасида коррупция авж олган. Шу боис ҳам янги қурилган бино ҳамда уйлар талабга жавоб бермайди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

— **Ўқитувчилик**
— **шарафли ва масъулиятли касб.**
Ҳаётимни муаллимликка, кўнгли тоза, самимий болаларга ўқиш-ёзишни ўргатишдек ажойиб соҳага боғлаганимдан бахтиёрман, — дейди Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 213-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Тошхўжаева.

СУРАТДА: Д.Тошхўжаева 2-«А» синф ўқувчиларига дарс ўқитиб.



Bayram shukuh

Фойдали лойиҳа

Тадқиқотларда аниқланишича, чекувчи ёшларнинг кўпчилиги «дўст»лари ва атрофдагилари илк бор чекишни таклиф этганида уларга қатъий «йўқ» дея олмагани туфайли шу иллатга гирифтор бўлган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Ўзбекистон ёшлари ана шундай ҳолатда «йўқ» дея баралла айтишлари учун «Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳасини эълон қилди. Бу ҳақда Ҳаракатнинг Марказий Кенгашида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълумот берилди.

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Истеъмоқчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмоқ қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан ўтказилаётган ушбу

лойиҳа жорий йилнинг октябрь-декабрида мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида бўлиб ўтади.

— Лойиҳа махсус ўқув дастури асосида 14 ёшга тўлган ва ундан катталар ўртасида ташкил этилади, — деди матбуот анжуманида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудирлари Зарина Эгамбердиева. — У «тенгдош-тенгдошга» ҳамда «20+» йўналишида олиб борилади. «Тенгдош-тенгдошга» деб номланган биринчи йўналишда соҳа мутахассислари ва махсус тайёрланган тренерлар жойларда тамаки маҳсулотларининг салбий таъсири ва оқибатлари ҳақида ёшларга маълумот беради. «20+» йўналишида эса махсус тайёрланган фаоллар гуруҳи тамаки ва алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар, бозорларда тарғибот ишларини олиб боришади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотида кўра, ҳозирги вақтда 1,3 миллиард одам кашанда. Ҳар 6,5 дақиқада бир инсон тамаки чекиш билан боғлиқ касаллик туфайли вафот этмоқда. Анжуман иштирокчилари чекишнинг инсон

организми, хусусан, ёшларга таъсири тўғрисида бундай салбий жиҳатларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги саломатлик ва тиббий статистика институти бўлим мудирлари Лобар Зокированын маърузаси орқали билиб олди.

Тадбирда тенгдошларимиз айрим ўзбек фильмларида тамаки ва алкоголь маҳсулотларининг истеъмоқ қилиниш жараёнлари акс этаётганини билдиришди. Бу борада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб деди:

— Чиндан ҳам бу ҳолат фильмларда учрайди. Диққат қилганингиз учун сизга раҳмат. Бундан кейинги ўзимиз қатнашадиган фильмларда шундай сахналарнинг суратга олинишига иложи борича йўл қўймасликка ҳаракат қиламиз.

«Камолот» ЁИХ 2011 йилдан буён «Виждонли сотувчи» акциясини ўтказиб келмоқда. Биргина 5-7 сентябрь кунлари «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали доирасида ўтказилган ушбу акцияда 150 та савдо шохобчасида қирқдан ортик қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди ва мавжуд муаммолар бартараф этилди. «Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳаси ҳам амалга оширилган ишларнинг давоми бўлиб, у мавжуд қонунчилик юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган.

Мазкур лойиҳада бевосита журналистлар ҳам иштирок этишлари мумкин. Лойиҳани ўзига хос тарзда ёритган журналистлар муносиб рағбатлантирилади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.

СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов ёшлар билан. Сардор Муллажонов олган сурат



Ҳамюртларимиз ғалабаси

Футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 29 сентябрь кунини яманлик тенгқурларига қарши майдонга тушиб, 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Келаси йили Таиландда бўлиб ўтайдиган Осиё чемпионати саралаш ўйинлари доирасида бўлиб ўтган мазкур учрашувдаги ғалаба ёш футболчиларимизга қитъа чемпионати эшигини очди. Негаки, 27 сентябрь кунини терма жамоамиз Фаластин ўсмирлар терма жамоасини ҳам 9:0 ҳисобида енган эди.

Дзюдочиларимиз муваффақияти

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида дзюдо бўйича бўлиб ўтган гран-при мусобақасида спортчиларимиз учта медални қўлга киритди.

81 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида Шухратжон Арслонов Адлет Миссин (Қозоғистон) ва Артем Василенкони (Украина) қийинчиликсиз мағлуб этди ва бронза медалга эга бўлди. Тажрибали дзюдочимиз Хуршид Набиев эса 90 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Хусан Холмирзаев (Россия), Комроншоҳ Устопирион (Тожикистон) каби рақибларидан қўли баланд келиб, кумуш медалга сазовор бўлди. 100 килограммгача бўлган спортчилар курашида эса ҳамюртларимиз ўткир Қурбонов ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, яна бир бронза медални жамоамиз ҳисобига қўшиб қўйди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

TABASSUM

«БИЛИМДОН»

Математика дарсида ўқитувчи деди:

— Ўқувчилар, сонлар асло алдамайди. Масалан, бир одам далани ўн кунда чопиб бўлса, ўн нафар одам ўша далани бир кунда чопиб бўлиши ҳам мумкин. Ким шундай мисол келтира олади? Қани, Қўзйовидан эшитайлик-чи.

— Атлантика океанини бир кема олти кунда босиб ўтса, ўша океани 144 та кема бир соатда босиб ўтади, — деди Қўзйовидан.

ИМТИҲОНДА

Профессор имтиҳон оляпти. Талаба дағ-дағ титрайди:

— Ҳа, Тошматов, нега бунча қалтирайсиз? — сўради профессор. — Саволларимдан қўрқялсизми?

— Йўқ, устоз, — деди талаба, — саволларингизга берадиган жавобларимдан қўрқялман...

YON DAFTARCHANGIZGA

Уста борида қўлингни тий,
Устоз борида тилингни тий.

Ўзбек халқ мақоли

Манзилимиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоסי келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1043.
Адади — 8051
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.40
ЎЗА якуни — 21.30

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6